Расулов Н.

БАДИИЙ ТАРЖИМАДА БАДИИЙ ТИМСОЛ ЯРАТИШ МУАММОСИ

(Э.Хемингуэйнинг «Алвидо, љурол!» асарининг ўзбек тилига таржимаси мисолида)

Таржимашуносликда муаммолар талайгина. Энг муќимларидан бири – бу бадиий тимсолни таржима тилида љайта яратишдир. Образ санъат ва адабиётда ќаётни ўзига хос бадиий шаклда акс эттирадиган манзара ва характердир. Воњеликни санъат ва адабиётда образлар воситасида акс эттириш ќаљидаги љарашлар Арасту замонидан буён мавжуд бўлса ќам, бирољ, асосан XX асрнинг биринчи ярмига келиб Ќегел, В.Г.Белинский каби мутафаккирларнинг асарларида тўлиљ шаклланди[1]. Санъат ва адабиётдаги ќар бир образ инсонга «љандай бўлиш керак эди, љандай бўлиши лозим» деган маънони ультиришга хизмат љилади.

Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй – XX аср прозасининг ажойиб вакили. Ижодкорнинг ўзига хослиги соддалик… Услубнинг гўзал хоссаси бўлмиш бу соддалик самимийликдир. Љалбидаги хисларни бўямай, љандай бўлса шундайлигича равшан ифодалаш – бу Э.Хемингуэй услубига хосдир. Асарларидаги образлар талљини ќам ќудди муаллиф сингари содда ва самимий. Мана шу ќолат мутаржимга катта масъулият юклайди, теран фикрлашга ундайди.

Таниљли таржимон Иброќим Ђофуров катта маќорат билан «Алвидо, љурол!» романини восита тил орљали она тилимизга ўгирди. Восита тилдан таржима љилиш бу наљадар оѓир, хатарли, масъулиятлидир, аммо таржимоннинг муаллиф ижодини чуљур билганлиги, услубини мукаммал эгаллаганлиги унга љўл келди, асарнинг рухи, бадияти ва ширасини тўлиљ саљланган ќолда таржима љилган. Таржимонлар персонажнинг ўзига хос «тили»ни, касб-корига хос услуби, психологияси, фикрлаш тахлитини ќам саљлашга ќаракат љилишган.

Кэтриннинг ўлим тўшагидаги ќолати ќар икки таржимада ќам аслдаги каби кучли, ишонарли љилиб берилганки, китобхон ёзувчининг асосий маљсадини тўла англаб етади.

«I am going to die», she said, then waited and said I hate it»[1].

- Скоро я умру, - сказала она. Потом помолчала немного и сказала: - Я не хочу[2].

---

[1] Белинский В.Г. Сочинения. М., 1943, Т. 4, 73-бет.

[1] Hemingway Ernest. A farewell to arms. Progress publishers, Moscow, 1976. P. 285.

[2] Хемингуэй Эрнест. Фиеста (и восходит солнце); Прощай оружие! (перевод санглийского. «Фиеста» - пер. В.Топер. «Прощай оружие!» - пер. Е.Калашниковой). – Душанбе, «Адиб», 1988, с. 366.

- Мен тезда ўламан, - деди у. Кейин бир зум сукут љилиб турди-да, деди: мен эса хоќламайман[3].

Жуда таъсирли гаплар. Бу ерда ќеч љандай сунъийлик йўљ. Гўё ёзувчи ёзмагандек, бу ёзишлар унга алоњадор ќам эмасдек. Кэтриннинг ўша ќолатдаги љиёфаси китобхоннинг кўз ўнгидан кетмайди ва ќудди сизга шикаста, майин, лекин ќамон нимадандир умидвордек гапираётганга ўхшайди.

Аслида-ку, “I hate it” сўзма сўз олганда «Мен уни ёмон кўраман» ёки «Мен ундан нафратланаман» бўлиши керак. Лекин асар руќидан кўриниб турибдики, Кэтрин ўлимдан чўчимайди. У љўрљўани учун ажалдан нафратланиб, уни ёмон кўраётгани йўљ, фаљат у ўлишни истамаяпти, холос. Рус таржимони шунинг учун ќам бу жумлани «Я не хочу» деб берган.

Њзбекчада эса «Мен эса хоќламайман», дейди Кэтрин. Русча вариантида «эса» маъносини берувчи ќеч љандай сўз йўљ. Инглизча нусхасида ќам. Лекин ўзбек таржимони тил, мантиљ ќамда тасвирланаётган вазият таљозоси билан љаќрамонни ана шундай гапиртирган.

Юљоридаги Кэтрин Баркли тилидан олинган, - «I am going to die», жумласи ўзбек тили таржимасида љиёмига етмагандек туюлади кишига, зеро – «Мен тезда ўламан». Бизнингча, асарнинг руќидан келиб чиљљан ќолда, таъсирли љилиб, «Менинг куним битиб боряпти», «Менинг кетгим йўљ», «Наќот, ќаётнинг интиќоси шу бўлса…» каби вариантлар орљали ўзбек тилида љайта яратса маљсадга мувофиљ бўларди.

Аммо шуни ќам љайд љилиш керакки, асарнинг асл инглизча нусхаси билан ўзбекча таржимаси ўртасида айрим номувофиљлар, тафовутлар кўзга ташланадики, булар образнинг љиёфасини бирмунча ўзгартириб юборишга сабаб бўлади. Њзбек тилига асл нусхадан эмас, балки, асарнинг русча таржимасидан ўгирилганлиги сабабли бундай љусурга йўл љўйилган бўлиши мумкин.

«… Come back to bad, Cathrine. Please», I said.

I can't. Didn't we have a lovely night?

And can you be on duty to night?

I probably will. But you won't want me.

Yes, I will.

No, you won't. You've never been operated on. You don't know how you'll be». (106-бет).

Русчада:

- Иди ко мне, Кэтрин. Слышишь? – сказал я.

---

[3] Хемингуэй Эрнест. Алвидо љурол! – Тошкент, Ѓофур Ѓулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. (Иброќим Ѓофуров таржимаси) 341 – бет.

- Нельзя. А как хорошо было ночью!
- А нельзя тебе взять дежурство и на эту ночь?
- И я буду дежурить, вероятно. Но только ты меня не захочешь. (224-бет).

Ҳзбекчада:

«…Бу ёлҳа кел, Кэтрин. Эшитяпсанми? – дедим.

- Мумкинмас. Кечаси бирам яхши бўлдики!

- Бу кечасига навбатчиликни олсанг бўлармикан?

- Ќа, эќтимол, ўзим навбатчилик ҳиларман. Фаҳат ўзинг мени хоќламай ҳоласан». (109-бет).

Кўриниб турибдики, рус таржимони Е.Калашников Кэтрин Барклининг Ќенрига берган «Didn't we have a lovely night?» риторик сўроҳни оддий гапга айлантириб таржима ҳилган. Таржима билвосита бўлганлиги сабабли ушбу хато ўзбек таржимонида ќам учрайди. Инкор ҳила туриб, ҳаќрамон яна ҳандай «Кечаси бирам яхши бўлдики!» дейиши мумкин. Бизнингча, шу ўринда, «Тунимиз яхши ўтмадими?», «Тунни мазмунли ўтказмадикми?» дея сўроҳ гап шаклида ўгирилганда маҳсадга мувофиҳ бўлар эди. Шубќасиз, ќамшира Кэтрин, ўз саволига жавоб олмасада, лейтенант Ќенридан ўтган кеча ќаҳидаги фикрини билмоҳчи, холос.

Хуллас, Иброќим Ҳофуров аслиятдан ўгирган бўлмасада, баъзи жузъий камчиликларга ҳарамасдан, таржима тилида аслиятнинг ва ундаги образлар талҳинини тўлаҳонли ярата олган деган фикрга келишимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Белинский В.Г. Сочинения. М., 1943, Т. 4, 73-бет.
2. Hemingway Ernest. A farewell to arms. Progress publishers, Moscow, 1976.
3. Хемингуэй Эрнест. Фиеста (И восходит солнце); Прощай, оружие! (Перевод с английского. «Фиеста» - пер. В.Топер. «Прощай оружие!» - пер. Е.Калашниковой). – Душанбе, «Адиб», 1988, 368 с.
4. Хемингуэй Эрнест. Алвидо, ҳурол!. – Тошкент, Ҳофур Ҳулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. (Иброќим Ҳофуров таржимаси.)

Расулов Н. О проблемах воссоздания образа в художественном переводе (на примере перевода произведения Э.Хемингуэя «Прощай, оружие»! на узбекском языке. В этой статье говорится о самой главной проблеме, которая существует в интерпретации – о воссоздании образа в

художественном переводе. Высказывается мнение о мастерстве переводчика, о преподнесении образа на языке перевода.

Rasulov N. The problem of the re-creation of the image in literary translation (in the example of the story “A farewell to arms” by E.Hemingway into Uzbek translation). It says in the article one of the main problem - the re-creation of the image in literary translation. About translator’s skill and expressiveness of the image in a translation language are considered.